



2018-YIL 28-IYUN
PAYSHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@gmail.uz

75
(16232)

YOSHLAR OVOZI

Ўзбекистон yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар! Авваламбор, сиз, азизларни, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан чин қалбимдан муборакбод эттириш, барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотлар етказиш борасида сиз, матбуот аҳлининг фидокорона меҳнат қилаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Сизлар каби минг-минглаб олижаноб касб эгаларининг сая-ҳаракатлари, истеъдод ва маҳорати билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқимиз ҳаётига, унинг қувонч ва

ташвишларига тобора яқин бўлиб, Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфасини шакллантиришда фоят муҳим роль ўйнамоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг сони қарийб 4 баробар кўпайиб, 1500 тага етгани ушбу тармоқда ўсиш, ўзгариш жараёнлари изчил давом этаётганидан далолат беради.

Энг муҳими, соҳа ривожига ана шундай микдор ўзгаришлари билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда. Бунинг тасдиғини миллий медиа майдонимизда фуқаролик жамиятининг муҳим шартли бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи кенгайиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, интернет журналистикаси жадвал ривожланиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситалари ходимларининг демократик жараёнлар, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва нуфузини, маҳаллий газеталар, теле-радио-

каналларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг асосийси, матбуотда фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш буйича жиддий ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта. Газеталаримиз, теле-радиоканалларимизда ошқоралик, таҳлил ва ҳолис танқид руҳи кучайгани, бевосита хорижий мамлакатлардан тайёрланаётган материаллар сони ортиб бораётганини биз ҳар томонлама қўлаб-қувватлаймиз.

Бугун биз дунёдаги узоқ-яқин давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, юртимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилар эканмиз, бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти буйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушунаемиз. **Оммавий ахборот воситалари сўзга эмас, амалда "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилиши зарур.** Бу — замон талаби, ислохотларимиз талаби.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда демократик қадриятлар, сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, аҳолига ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказиш, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, модернизация

жараёнларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, ёш авлони Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги муносиб хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон ва орденлар билан тақдирлансин:

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ”

Рашидов Асил — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон, публицист

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ”

Жалилов Норқобил Қодирович — “XXI аср” газетаси бош муҳаррири
Маҳмутов Фарҳоджон Шавкатович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканали бош муҳаррири

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ”

Раҳмонов Ваҳоб — адабиётшунос, муҳаррир-ношир

“МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН

Абдухаликов Фирдавс Фридунович — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси

Алихонов Бобир Ботирович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази директори

Вакилов Шерпулот Жўрабоевич — “Овози тожик” газетаси бош муҳаррири
Қўчқоров Юнусали — Наманган тумани “Истиқлол” газетаси муҳаррири
Ҳайдаров Уйғун Тўйчиевич — Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси бош муҳандиси

“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН

Абдижамилова Умид Сапарбаевна — “Қорақалпоғистон” телеканали Ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятини катта муҳаррири
Азимов Алишер Тўхтаинович — “Daryo.uz” веб-сайти бош муҳаррири
Базалов Алишер Норматович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси директори
Ғуломов Шамшодбек Ҳамидович — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси ўринбосари — бош директор

(Давоми 2-саҳифада)

ЁШЛАР КУНИГА



Ўтган бир йил давомида Ёшлар иттифоқи 300 минг нафардан зиёд ўғил-қизнинг таклиф ва муаммосини ўрганди. Уларнинг 46 минг 412 нафари иш билан таъминланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

“YOSHLAR — KELAJAGIMIZ” ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, максалдаги интилувчан ва сергайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва иддам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир.

Сўнгги йилларда ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён қилиш, уларнинг фуқаролик жамиятдаги аҳоли ва олим бўлиб қолганини ислохотларга баҳадорлигини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг

жалб қилишга, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўйбга чиқаришга, шунингдек, шу асосда ёшлар бандлигини таъминлашга тўққонлик қилаётган тизимли муаммолар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

Хусусан, ёшлар тадбиркорлигини комплекс ривожлантириш ва ёшларни тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга фаол жалб қилиш буйича жойларда мақсадли дастурлар амалга оширилмапти ҳамда зарур инфратузилма яратилмаган, бу эса янги иш ўринлари яратишининг энг муҳим шартли ҳисобланади.

Жойларда давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари

ёшларнинг тадбиркорлик саводхонлигини оширишга, уларга бизнес ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини синдиришга ҳали ҳам бепарқ ва бепарво муносабатда бўлмоқда.

Ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, ёшларни бизнес билан шугулланишга фаол жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, иш ўринлари яратиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясининг вазифаларига мувофиқ:

(Давоми 3-саҳифада)



БИРЛИК, ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК УЧУН!

Мамлакатимизда ilk бор Марказий Осиё ёшлари форуми бўлиб ўтмоқда

номидаги Туркменистон ёшлар ташкилоти кенгаши вакиллари иштирок этмоқда.

Форумнинг ilk кунинда иштирокчилар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига таширф бурюди.

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Куранбаев Қозғистон делегацияси вакиллари билан учрашди. Учрашувда икки давлат ёшлари ўртасида ўзаро мулоқот ва тажриба алмашиш муҳитини яратиш, ёшлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Кун якунида меҳмонлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида спектакль на-

мойишидан баҳраманд бўлди.

Иккинчи кун — 27 июнь. Самарқандда форумнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Қ.Куранбаев иштирокчиларга мамлакатимизда ёшлар масаласида қилинаётган ишлар ҳусусида маълумот берди. Таъкидланганидек, бугун юртимизда ёш авлонинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун барча шароит ва имконият мавжуд. Мазкур форум қардош халқлар ёшлари ҳаётидаги унутилмас воқеага айланади, улар ўртасида дўстлик, яхши кўшничлик муносабатларини мустаҳкамлаш баробарида таълим, имфан, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашиш майдонини бўлиб хизмат қилишига умид бўлганди.

Ўз навбатида, делегация-



лар раҳбарлари анжуман ташкилотчиларига ўз миннатдорлигини билдиради.

Шундан сўнг иштирокчилар учун кўхна Самарқанд бўйлаб саёҳат уюштирилди. Асрларга тенгдош обидалар барчада ёрқин таассурот уйғотди. Меҳмонлар экскурсия давомида

ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Кун якунида Регистон мажмуасида чироқчи музика “3D mapping” шоуси намойиш этилди.

Халқаро форум 30 июнгача ўз ишини давом эттиради.

Жавлон ВАФОЕВ

27-IYUN — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЮКСАК ИШОНЧ ВА РАҒБАТ МАСЪУЛИЯТГА УНДАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини ошириш, жамиятда демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Соҳа ходимлари мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил асосида ёритиш, аҳолига ҳаққоний ва ҳолис ахборот етказиш борасида самарали меҳнат қилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бу йил тарихимизда биринчи марта ушбу сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биндон соҳа ривожига муносиб

ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ ходимлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Бу байрамга ўзгача шухух ва кутаринки руҳ бағишлади. Тадбирда Ватанимизнинг юксак мукофотлари тантанали топширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари томонидан сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва матбуотнинг таъсирчанлигини оширишга катта эътибор берилганлигини алоҳида таъкидлади. Соҳа ходимларининг меҳнати муносиб тақдирланаётгани учун Президентимизга миннатдорлик билдириди.

(Давоми 2-саҳифада)

АМАЛИЁТ

1 ТОННА 605 КИЛОГРАММ ОҒУ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Халқаро наркотик моддаларини сунистемол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш кунини муносабати билан Давлат хавфсизлик хизмати ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан мусодара этилган гиёҳвандлик моддалари ёқиб юборилди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган тадбирда дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар, мутасадди идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақлиф этилганларга мамлакатимизда



наркотик моддаларини ноқонуний олиб ўтиш ва сотишга чек қўйиш борасида қўриқлаётган сая-ҳаракатлар тўғрисида маълумот берилди. Республикада бу қотил

оғу афгон заминидан Тожикистон ва Қирғизистон орқали олиб ўтилаётгани таъкидланди. Шунингдек, Амуударё орқали Сурхондарё вилоятига, жануби-шарқдан

Самарқанд ва Сирдарё, шимоли-шарқдан эса, Фарғона vodiysi ва Тошкент вилоятига олиб киришга уринишлар қайд этилган. — Юртимизда наркотик моддалар кириб келиши мумкин бўлган йўللари беркитиш, уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятига чек қўйиш буйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати бош инспектори Ҳусан Тангриев. — Бу йўлда барча имкониятлардан унумли фойдаланиб, самарали натижага эришилмапти. Хусусан, ўтган йили ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 5 минг 400 дан зиёд наркотиноят фош этилиб, ноқонуний айланишда бўлган 2 тоннага яқин захри қотил мусодара қилинди.

Ж.ЕРКИНОВ

ҚУТЛОВ!

Бир пайтлар “жамият қандай бўлса журналистика ҳам шундай бўлади”, деган қараш урф эди. Хайрият, кейинги вақтда бу фикрнинг акси — журналистика қандай бўлса жамият ҳам шундай бўлади, деган ёндашув устуворлик касб этиб борапти. Муҳими, биз уйғоқ, тезкор, ҳолис ва адолатпарвар бўлишимиз керак, дея масъулиятни зиммага оладиган фидойи журналистлар сафи оширилмоқда. Ана шундай ҳамкасбларимизнинг одамлар қалбига, онгу шуурига таъсири ҳам ортиб, эътибор ва эътирофларга сазовор бўлаётгани қувонарли, албатта.

Инсон ҳаётида куч-қудрати билан эмас, билими ва меҳнати билан кўпроқ нарсасга эришади. 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини бир гуруҳ соҳа ходимлари



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра ilk бор давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотланганлар орасида “Ёшлар овози” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Нарғиза Умарова ҳам бор. Қумушдек тер тўксанг, гавҳардек дур оларсан, деган халқ мактоли амомлига айланган ҳамкасбимизни мана шу чин эътироф билан жамоамиз, кўп сонли муштарийларимиз, Нарғизанинг мухлислари номидан самимий куталаймиз!

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҶИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Биринчи навбатда медиа тармоқлари фаолияти самарасини ошириш, уларни халқ билан мулоқотнинг ишончли воситасига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш сингари долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Шу мақсадда парламентимиз томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига ахборот соҳасини янада демократлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича фаол иш олиб борилаётгани айниқса эътиборлидир.

Бу борада Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш, қалам ҳақи миқдорини ошириш, ижодий жамоалар билан йирик компаниялар ва хўжалик бирлашмалари, банклар ўртасида “дўстлар клублари”

ни ташкил этишга қаратилган амалий ишларимизни таъкидлаш лозим.

Оммавий ахборот воситалари учун замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида яқинда катта умидлар билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этганимиздан хабарингиз бор.

Ушбу олий таълим маскани соҳада эришилган ютуқларни ҳар томонлама ўрганиш, журналистика фани, унинг илмий-назарий асосларини, замонавий медиатехнологияларни чуқур ўзлаштириш, халқаро стандартлар даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширилаётган ана шундай ишларнинг барчаси Ўзбекистон журналистикасининг жаҳон ахборот майдонига муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратлади.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Ҳозирги вақтда ҳаётимизда амалга оширилаётган модернизация ва янгиланиш жараёнларининг туб моҳиятини халқимизга етказиш, одамларни янги марралар сари сафарбар этиш, олимизга қўйган вазифаларни сифатли амалга оширишда сизларнинг таъсирчан сўзингиз, фаол гражданлик позициянгиз сув билан ҳаводек зарур.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам адолат тамойилига, ўзининг ҳаётини ва ижодий принципларига содиқ қолиш, одамларни қийнаётган камчилик билан кўтариб чиқиш, уларни бартараф этиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга, аввало, сизлар каби маънавий жасорат эгалларига қодир бўлади.

Биз жамиятимизда ошқоралик, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда, ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлашда сизларга, сизларнинг билим ва истисодингизга таянамиз.

Айниқса, ҳаёт ва касб тажрибангизни ёшларга ўр-

гатиш, уларни замонавий фикрлайдиган, Ватан ва халқ манфаатини муқаддас деб биладиган, соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашда кўпчилиқка ўрнатилган намуна бўласизлар, деб ишонаман.

Ўз-ўзидан равшанки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, соҳа ривожига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бундан бундан ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Азиз ва муҳтарам дўстлар! Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан яна бир бор савимий табриклияман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

(Бошланиши 1-саҳифада)

“ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН

Лешинская Татьяна Владиславовна — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қирқув дастгоҳлари машинисти

Маъмулова Гўзал Қорабоевна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Таржима таҳририяти етакчи таржимони

Муҳаммадзонов Нодирхон Баҳодирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканали диктори

Нурметова Зулайха — Эллиқалъа тумани “Давр кўзгуси” газетаси бош муҳаррири, Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳосилова Маруза Атоқулловна — “Табнат ва ҳаёт” газетаси муҳаррири, Навоий вилояти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий ислохотлар, янгиланиш ва инновация жараёнларидаги фаол иштироки, кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлодни она юртимизга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбағшарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

Баграмов Станислав Владимирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканали шарҳловчиси

Ёмирова Гулжаҳон Эгамовна — Бўка тумани “Халқ овози” газетаси бош муҳаррири, Тошкент вилояти

Жўраева Барчиной Мусалламовна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телеканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурали бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

Жўраев Носиржон Жамолидинович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Мусаев Жанибек Жамбулович — “UzReport” ахборот агентлигининг “UzReport.news” веб-сайти муҳаррири

Очилов Аҳор Шукруллаевич — “Ватанпарвар” газетаси бўлим мудир

Самадов Гуломжон Хурсанович — “Халқаро Пресс-клуб” нодавлат нотижорат ташкилоти бош продюсери

Сулаймонов Асролжон Гафурович — “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси масъул котиби

вич — “ziyouz.uz” веб-сайти бош муҳаррири

Тўйчиева Доно Оқиловна — Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи корректору

Турсунов Зафар Рихсибович — “Radio Poytaxt” масъулияти чекланган жамияти бош муҳаррири

Умарова Наргиза Баҳодировна — “Ёшлар овози” газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Шаропов Абулжазон Турғунович — “Akademnashr NMM” нашриёти бош муҳаррири

Эрматов Азизжан Ганиевич — Учкўприк тумани “Янги Фаргона” газетаси муҳаррири, Фаргона вилояти

Юнусов Баҳодир Махсудович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази бош муҳаррири

Ҳасанов Голиб Матабович — “Зарафшон” — “Самаркандский вестник” газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь

ЮКСАК ИШОНЧ ВА РАҒБАТ МАСЪУЛИЯТГА УНДАЙДИ

DOZARB MAVZU

ЎҚИТУВЧИНING МАВҚЕИ ОШСИН



(Бошланиши 1-саҳифада)

Қайд этилганидек, мамлакатимизда фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоялаш борасида барча ҳуқуқий асослар яратилган. Президентимизнинг 2017 йил 3 августда ижодкор зёлилар вакиллари билан ўтказган учрашувда илгари сурган ғоя ва тақдирлари мамлакатимиз ижодий ташкилотлари фаолиятида янги даврни бошлаб берди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Ияхом» жамоат фондани ташкил этиш тўғрисида», «Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари соҳани янада ривожлантириш ва ходимлар меҳнатини муносиб баҳолаш ҳамда уларнинг турмуш шароитларини яхшилашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1500 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият олиб бормоқда. Улардан 700 га яқини газета, 309 таси журнал, 65 таси телевидение,

35 та радио, 4 та ахборот агентлиги, 15 таси ахборотнома-бюлетен, 395 таси веб-сайтдан иборат. Мавжуд телерадио-каналларнинг 66 фозини, босма нашрларнинг 50 фозидан зиёдини нодавлат ахборот воситалари ташкил этади. Мустақилликдан аввал республикамизда 395 та оммавий ахборот воситаси бўлиб, уларнинг деярли барчаси давлатга қарашли эди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнамоқда. Зеро, тараққийнинг муҳим омилларидан бўлган фикрлар ранг-баранглигининг шаклланишида оммавий ахборот воситалари салмоқли ўрин эгалламоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ислохотлар замон талабига мос кадрлар тайёрлаш масаласини юзага чиқармоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 24 май кунини «Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги тарихий ҳужжат бўлди.

Мазкур қарорда оммавий ахборот воситаларининг барча турлари учун кадрлар, жумладан, бир неча хоржий тилларни биладиган халқаро журналистлар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш университетининг асосий вазифаларидан этиб белгиланган. Дунёда шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёнида ахборотнинг ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, миллий журна-

листикамининг тараққийи, бутунги ҳолати ва истиқбол билан боғлиқ масалаларни чуқур ўрганган ҳолда мамлакатимиз ахборот сиёсатини такомиллаштириш, бу борада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш муҳим йўналишлардан саналади.

Соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, янги-янги ижодий парвозлар сари чорлаш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш борасидаги ишлар кўламини тобора кенгайтириш, бундай саяё-ҳаракатлар журналистика ривожига хизмат қилаётган турли курик-танловлар, ижодий беллашувлар, грант лойиҳалар, ижтимоий дастурларда ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Шу кунини Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига ҳам мукофотлар топширилди.

Байрам тадбири иштирокчилари учун Ўзбек Миллий академик драма театри санъаткорлари ижросида машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» асари асосида тайёрланган спектакль намойиш этилди. Шу кунини Тошкентнинг Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат бонди байрам сайилари давом этади.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

ХАҲРИҲА

ҚАЛБДАН ЧИҚҚАНИ БОШҚАЧА

Нодиржон ЮСУПОВ

Ёшлар иттифоқининг Бағдо тумани кенгаши эзгу ишга қўл уради. Ташкилот ташаббуси билан ҳудуддаги беш нафар эҳтиёжманд оила фарзандининг суннат тўйи ўтказиб берилди.



Маросимни ўтказиш учун тадбиркор Низомиддин Ортиқов ўз тўйхонасини тақдим этди. Халқимизга хос меҳр-оқибат, хайр-саховат ва бағрикенглик фазилатларини ўзида муҳасам этган тадбирда тўйболалар қарнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Мутасадди ташкилотлар вакилларининг кутлов ва табриклари, тумандаги санъаткорлар ижросидаги гўзал куй-қўшиқлар

олиди. Жамоатчилик орасида норозилик кайфияти баттар кучайди. Ниҳоят чора кўрилди. Қолмига тушиб қолган раҳбар кадрлар алмаштирилиб, соҳага янги нафас олиб кирилди.

Халқ таълими вазири сифатида тайинланган Шерзод Шерматов кунини кеча журналистлар билан

учрашди. Тадбирда тизимда тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чоралари хусусида сўз борди. Янги жамоанинг истиқболли режалари ошкор этилди.

Шерзод Шерматов ўқитувчиларнинг мавқеини ошириш масаласига эътибор қаратди, ҳозир ота-оналар

паст баҳо олган фарзанди эмас, кўпроқ устозига эътироз билдираётгани педагог бўлишга интилаётган ёшлар сони тобора камаётгани ҳам айтиб ўтилди. Вазир бу ҳолатни бартараф этиш учун журналистларни ҳамкорликка чорлади. Йил охиригача “Энг улуғ ва шарафли касб эгаси” ижодий ишлар танлови эълон қилинишини ҳам маълум қилди.

Яна бир гап. Файратли мактаб директорлари ҳомийларни топиб еки турли тўғарақлар очиб, топган маблағини таълим даргоҳини обод қилиш ёки сифат кўрсаткичинини оширишга сарфлаши учун негадир туман бошқармасидан рухсат олиши керак. Бу — нотўғри.

Тизимдаги фаолиятни либераллаштириш, ҳомийларни жалб қилиш зарур. Ривожланган давлатларда илм-фан соҳасига йирик сармоялар киритилади, — таъкидлади Ш.Шерматов.

Маълумотларга қараганда бир йилда тўққиз мингдан ортиқ мактабда 207 минг мартадан кўп текширувлар олиб бориладиган қайд этилиб, бу ҳолат тизим ходимларини ўз ишидан чағалтаётгани турган гап. Шу нуқтан назардан вазирилик фаолиятини сифат, адолат ва шарафлик тамойиллари асосида олиб бориш белгиланди.

Муҳокамалар давомида педагог кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, куз-киш мавсумига тайёргарлик, синф фонди, таълим муассасаларидаги ота-оналар кенгаши фаолиятига доир масалалар таъқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилди. Журналистлар ўз тақлиф ва фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

KISNIK TADQIQOT

ЎРГАНСАК ЗИЁН ҚИЛМАС

Азимбек НАЖИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг етакчи илмий ходими

Ишисизлик жамиятдаги кўпгина муаммолар мизидир. Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ҳам асосан тайинли касб-кори бўлмаган шахслар томонидан содир этилади. Шу боис аҳоли ва аввало, ёшларни иш билан банд этиш ҳар қайси мамлакат учун муҳим вазифа. Бу борада Европа Иттифоқи давлатлари ўзига хос тажриба тўплаган. Уни ўрганиб, ижобий жиҳатларини ўзлаштирсак зиён қилмайди. Қуйидаги маълумотларимиз шу ҳақда.

Кўнгилли (волонтёр) лик фаолиятини рағбатлантириш Европа Иттифоқида ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича “Европа Иттифоқи ёшлар стратегияси — инвестиция киритиш ва имконият

бериш” деб номланган дастур амалга оширилди. Бунда ёшларга турли ташкилотларда кўнгиллик сафида фаолият кўрсатиб, бу даврни шу тажрибаси сифатида қабул қилишга алоҳида ургу берилган.

Масалан, Буюк Британиянинг йирик саноат шаҳарларида йигит-қизларни касбга тайёрлайдиган ўқув марказлари ташкил қилинган. Юртимиздаги “Навоий”, “Жиззах”, “Ангрен” ва бошқа эркин иқтисодий зоналарда, шунингдек, компанияларида ҳам шундай марказлар бўлса, кони фойдал.

Бош мақсад — ёшларнинг ишлаб чиқариш жараёнига мослашишига кўмаклашишдан иборат. Муайян касбни эгаллаган, аммо иш тажрибасига эга бўлмаган мутахассислар махсус курсда ўқитилади. Шу аснода улар аудиторлик текшируви, битимлар тузиш, ҳужжатларини расмийлаштириш, иш вақти ва фаолият самарадорлигини баҳолашни ўрганади.

Виртуал тадбиркорлик бўйича ўқувлар одатда 13 ҳафта давом этади. Кейин иштирокчилар 21 кун мобайнида реал тадбиркорлик субъектида амалиёт ўташ имконига эга бўлади. Амалиётчи ишисизлик нафақаси ҳисобидан маош ҳам тўланади. Муносиблари эса, ишга тақлиф этилади.

Давлат томонидан иш ҳақини субсидиялаш дастури

Мазкур тартиб Дания, қолаверса, Чехия ва Польшада ҳам мавжуд бўлиб узоқ муаддат ишсиз юрган ёшларни қайта ўқитилиб ишга жалб этилади. Бу жараён бевосита корхона, ташкилот ёки муассасаларга кечади. Натияжада иш берувчи ва ходим ўртасида ўзаро ишонч пайдо бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

"YOSHLAR – KELAJAGIMIZ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошланғичи 1-саҳифада)

1. Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, умуман ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурини Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ туманида ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида амалга ошириш бошланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил 1 июлдан бошлаб республиканинг барча туман (шаҳар)ларида "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) амалга оширилсин. Давлат дастури доирасида қуйидагилар амалга оширилиши белгилансин:

а) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма), шунингдек, унинг туман ва шаҳар филиалларини ташкил этиш, Жамғарманинг маблағларидан Давлат дастуридаги таъбирларни молиялаштириш, жумладан, қуйидагиларни амалга ошириш учун фойдаланиш:

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш; Давлат дастури доирасида олинмаган кредитлар буйича кредит ҳажмининг 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда кафиликлар бериш;

Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган таъбиркорлик лойиҳаларида улар қийمатининг 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда иштирок этиш, кейинчалик Жамғарма улушини 5 йил давомида реализация қилиш;

тегишли кўникмаларга эга банд бўлмаган ёшлар яшайдиган ўй-хўжалиқлари учун 20 тагача парранда ва қўён боласи, 5 та мала ва 2 та йирик қорамол сойиб олаш, уларнинг қийматини келишилган муддатларда қайтарган ҳолда уларни боқиб ва кейинчалик реализация қилишга кўмаклашиш;

б) ёшларнинг қайта тайёрлашни ва малака оширишини ташкил этиш, меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, уларга бизнес юритиш кўникмаларини сингадирши;

в) давлат-хусусий шериклик шартларида:

ёш таъбиркорларга имтиёзли шартларда бинолар, офис техникаси ва сарфлаш материалларини ижарага бериш, уларни интернет билан таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини амалга оширишга бошқача кўмак бериш, жумладан, бизнес режалар ишлаб чиқиш, масахат, юридик, бухгалтерия ва бошқа хизмат турларини кўрсатиш, форумлар, мастер-класслар ва семинарлар ташкил этиш учун "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказларини;

савдо-маиший ва чиқиб ишлаб чиқариш майдонларини ташкил этиш учун меҳнат кучи ҳақдан зиёд бўлган туманларда "Yoshlar mehnat

guzari" комплексларини қуриш.

3. "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини қуриш давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги шартларида амалга оширилиши белгилансин:

а) туман (шаҳар)лар ҳокимликлари; "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини, шунингдек, бошқа объектларни қуриш (жойлаштириш) учун хусусий инвесторларга, истисно тариқасида, тўғридан-тўғри музокара орқали ер участка (бўш биноларни доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилиши);

"Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини муҳандислик коммуникацияларига, жумладан, электр, газ ва сув таъминоти тармоқларига олиб бориши ва улашни туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан таъминлаш;

б) Жамғарма "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплекслари қурилиши қийматининг 30 фоизгача бўлган қисmini молиялаштиришга мазкур маблағларни уларнинг устав жамғармаси (капитали)га кейинчалик капитализация қилиш ҳолида иштирок этишга ҳақли;

в) хусусий инвесторлар қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади: "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплекслари қурилиши қийматининг камида 70 фоизини молиялаштириш, уларнинг келишилган муддатларда ва намунавий лойиҳаларга мувофиқ қурилиши ва фойдаланишга топширилишини таъминлаш;

Давлат дастури иштирокчиси бўлган ёш таъбиркорларга "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларида жой бериш, уларга мақбул нарҳларда хизматлар кўрсатиш, шунингдек, уларга иш ўринлари умумий сонининг камида 70 фоиз миқдоринда банд бўлмаган ёшларни ишга қабул қилиш шарти билан муқтаки равишда таъбиркорлик фаолиятини ташкил этиш;

Жамғарманинг туман ва шаҳар филиалларини жойлаштириш учун "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказларидаги хоналарни бепул тақдим этиш;

г) "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини сақлаб туриш хусусий инвесторларнинг маблағи ҳисобидан амалга оширилади;

д) "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларини қуришга йўналтирилмаган маблағлар хусусий инвесторларнинг солиқ солинадиган базасидан чегириб ташланади.

Белгилансинки, Давлат дастурининг амал қилиши ёшлар таъбиркорлиги субъектларига, 50 фоиз ва ундан кўпроқ муассисари ёшлардан иборат бўлган таъбиркорлик субъектларига, шунингдек, яратилмаган иш ўринларининг 70 фоиздан кам бўлмаган қисmini 5 йил давомида ёшларни иш билан таъминлаш учун тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган таъбиркорлик субъектларига, жумладан, хорижий инвесторларга таътиқ этилади.

4. Қуйидагилар 2018 йилда Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин: даромадларнинг прогноз қилинган қисmini ошириб бажариш ҳисобига республика бюджетидан 2018 йил июлда, 1 октябрда ва 1 декабрда тенг улушларда ажратилмаган 500 миллиард сўм миқдориндаги бегараз молиявий ёрдам;

ҳар чоракда Жамғармага ўтказилмаган, вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган йиллик тушумларнинг 1 фоизи миқдоринда ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги ПФ-5106-сон Фармони 13-бандига мувофиқ Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ҳар ойда тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари; хайрия қилувчилар — жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларнинг маблағлари; Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларида жойлаштиришдан олинмаган даромадлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилансинки, Жамғармага ижро этувчи директор — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари раҳбарлик қилади;

Жамғарманинг туман ва шаҳар филиалларига Жамғарманинг ижро этувчи директор томонидан тайинланадиган тегишли туманлар ва шаҳарларнинг муваффақиятга эришган ёш таъбиркорлари раҳбарлик қилади;

инвестициявий ва ижтимоий комплексларнинг республика ва ҳудудий органлари, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банклари ҳудудий молиялаштириш параметрлари билан жойлаштириш параметрлари Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ манбаларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

8. Қуйидагилар: Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармасининг тузилмаси ҳамда Жамғарма туман ва шаҳар филиалларининг намунавий тузилмаси 1-ва 2-иловага мувофиқ;

Ёшлар таъбиркорлигини ривожлантириш республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Туманлар ва шаҳарларда ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар буйича ҳокимлар ўринбосари бошчилигида ҳамда ёшлар масалалари буйича ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари ўринбосарлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман ва шаҳарлар кенгашлари раислари, шунингдек, Таъбиркорлик кўмаклашиш маркази бўлинмалари раҳбарларидан иборат ёшлар таъбиркорлигини ривожлантириш комиссиялари (кейинги ўринларда Комиссиялар деб юритилади) тузилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар ҳудудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда таъбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ҳолида ижро этиладиган 500 миллиард сўм миқдориндаги бегараз молиявий ёрдам;

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун талабномаларини, шунингдек, Давлат дастури доирасидаги бошқа муносабатларни "бир дарча" тамойили буйича қўриб чиқишини таъминлаш;

инвестициявий ва ижтимоий комплекслар ҳудудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимларини жалб қилган ҳолда ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини амалга ошириш мониторингини ўтказиш, кеиби чиққан муаммоларни ҳал қилиш;

таъбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш масалалари буйича ёшлар орасида кенг тушувтириш ишларини олиб бориш.

10. "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида республиканинг туман ва шаҳарларида амалга оширилаётган таъбиркорлик параметрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида республиканинг туман ва шаҳарларида амалга оширилаётган таъбиркорлик кейинги йилларда молиялаштириш параметрлари Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг аниқ манбаларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Давлат дастури доирасида ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини молиялаштиришнинг қуйидаги механизмлари ўрнатилсин: Жамғарма Давлат дастури доирасида тақдим этиладиган имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериши молиялаштириш учун йиллик 5 фоиз ставка буйича тижорат банклари молиявий ресурслар ажратди;

имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш 5 йил муддатга

— 12 ойгача имтиёзли давр билан берилади;

имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ипак йули" АИТБ, Халқ банки АТ ва "Хамкор банк" АТБ орқали амалга оширилади;

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан молиялаштирувчи тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқи-

ладиган намунавий бизнес-режалари асосида молиялаштирилади; қиймати 2 миллиард сўмдан юқори бўлган ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини молиялаштириш уларнинг бизнес режалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган сўнг амалга оширилади;

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини реализация қилиш учун имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш талабномаларини саралаш натижалари буйича тасдиқланмаган параметрлар доирасида тегишли туманлар ва шаҳарларда намунавий бизнес режалар асосида реализация қилинадиган ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларининг манзилли рўйхати шакллантирилади;

Ёшлар таъбиркорлигини ривожлантириш республика комиссияси тақдим этилмишга қараб, лекин 2018 йил 1 августдан ва кейинги йилларда 25 декабрдан кейинмасдан Давлат дастури доирасида тегишли туманлар ва шаҳарларда реализация қилинадиган ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ҳамда лойиҳаларининг манзилли рўйхатини тасдиқлайди. Тасдиқланган манзилли рўйхатга ўзгартириш ва шилмачлар киритиш Республика комиссияси билан келишилган ҳолда комиссиялар томонидан амалга оширилади;

Тасдиқланган манзилли рўйхат имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериши молиялаштириш учун тижорат банклари ҳамда Жамғармага тақдим этилади;

Молиялаштирувчи тижорат банклари тақдим этилган манзилли рўйхат асосида имтиёзли кредитлар ва мол-мулкни лизингга бериш талабномаларини тижорат банклари томонидан қўриб чиқиш муддати 3 иш кунидан ошмаслиги лозим;

комиссиялар инвестициявий ва ижтимоий комплекслар ҳудудий органларининг, шунингдек, молиялаштирувчи тижорат банкларининг бириктирилган ходимлари билан биргаликда молиявий маблағлардан аниқ мақсадда ва ўз вақтида фойдаланилаётганини буйича ҳар ойда мониторинг ўтказди, мониторинг давомида ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тўққонлик қилаётган муаммоларини ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси молиялаштирувчи тижорат банклари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишил-

ган ҳолда Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмаган ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларининг ишлаб чиқишини таъминласин.

12. Комиссиялар, Жамғарманинг туман ва шаҳар филиаллари ва молиялаштирувчи тижорат банклари:

ажратилмаган, шу жумладан, мақсадга номувофиқ фойдаланилаётган молиявий маблағларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтариш буйича чоралар кўриш;

Давлат дастури иштирокчиси ажратилган молиявий маблағларни ҳамда етказилган зарарни илтиҳорий равишда қоплашдан бўйин товланган ҳолларда уларни мажбурий ундириш мақсадида суғра мурожаат қилиш мажбуриятини юксалтириш.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни тасдиқловчи ҳуқуқат қарорини қабул қилсин:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоомлар;

ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар тақдим этиш, жумладан, ажратилмаган кредитларнинг чекланган лимитларини аниқлаш механизми, шунингдек, Давлат дастури доирасида олинмаган кредитлар буйича кафиликлар бериш тартиби;

ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларга профессионал ўқитиш юзасидан қисқа муддатли курслар сонини тубдан ошириш ва уларнинг сифатини юксалтириш буйича чора-таъбирлар комплекси.

14. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ўзбекистон Республикаси Банклик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Давлат дастури доирасида объектларни қуриш буйича ҳақ туланадиган ишарга банд бўлмаган ёшларни, жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ёшлар меҳнат отрядларини илтиҳорий асосда кенг жалб қилиш чораларини қўриш тавсия этилсин.

15. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёшлар сиёсати масалалари хизмати — Давлат дастури доирасидаги буйича давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти мувофиқлаштирилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги — Жамғарма маблағлари ўз вақтида ва тўлиқ шакллантирилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги — ҳудудий ўзига хосликларига ҳисобга олган ҳолда "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплекслари лойиҳаларига қуйидагилар намунавий талабларнинг ишлаб чиқишини учун;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси молиялаштирувчи тижорат банклари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишил-

тициялар буйича давлат қўмитасига — Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик муассасаларига бириктирилган ҳудудларга Давлат дастури доирасидаги таъбиркорлик амалга оширишда иштирок этиш учун, жумладан, республиканинг тегишли туман (шаҳар)ларида таъбиркорликни ташкил этган ҳолда, хорижий инвесторларнинг, шунингдек, Жамғарма маблағларини шакллантириш учун халқаро молия институтлари ва донор ташкилотлар техник кўмак маблағлари ва грантларининг жалб этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига — Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмаган ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларининг намунавий бизнес режалари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқиши, шунингдек, уларнинг комиссияга тақдим этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимликларига — "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларига муҳандислик коммуникациялари, жумладан, электр, газ ва сув таъминоти тармоқлари олиб келиниши ҳамда улаштириши учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимликларига — "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-марказлари ва "Yoshlar mehnat guzari" комплексларига таъбиркорлик коммуникациялари, жумладан, электр, газ ва сув таъминоти тармоқлари олиб келиниши ҳамда улаштириши учун;

16. Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси Бош прокуратура билан биргаликда Жамғарма маблағларининг ўз вақтида шакллантирилиши ва мақсадли сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда Давлат дастури амалга оширилишининг жараёни кенг ёритилишини ташкил этсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшб Фармондан кейин чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат масахатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг раиси Қ.К.Қуронбоев, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат масахатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юксалсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 27 июнь

BELLASHUV

Ҳасан УСМОНОВ

СИЁСАТЧИ АЁЛЛАР БАҲСИ

Тошкент давлат педагогика университетининг "XXI аср аёли" кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан "Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" шiori остида ташкил этилган беллашув партиянинг қуйи кенгашида фаолият юритаётган 11 нафар хотин-қиз иштирок этди.

Мамлакатимиз аёлларининг истеъодини рўёбга чиқариш, ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлигини оширишга қаратилган танловда иштирокчилар партия фаолиятига доир билимини синовдан ўтказди. Шунингдек, ташкилотнинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга таътиқ этиш билан боғлиқ тақлифлар берилди.

Яқини ҳулосага қўра, Дилрабо Исроилова голиб топилиб, танловнинг республика босқичига йўланмачи қўлга киритди.

YOSHLAR MINBARI

МАСЪУЛИЯТНИ ОҚЛАШГА ТАЙЁРМИЗ

Жасур МИРЗАҚУЛОВ, Ёшлар иттифоқининг Сурхондарё вилояти кенгаши бўлими мудири

Бугун юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати браваж олиб бориламоқда. Пировара мақсад навқирон авлодни Ватанига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашдан иборат. Бу йўлда давлат ва нодавлат ташкилотлари бирдай жаъонбозлик кўрсатаётир. Ёшлар иттифоқи ҳам шулар жумласидан.

Тан олиш керак, ёшлар ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишда Иттифоққа суянади. Бу, турган гапки, ташкилот тизимида ишлаётган ходимнинг зиммасига катта масъулият юклайди. "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамяят учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтилган бўлса, ёшлар учун "социал лифт" вазифасини бажариши керак. У билми, ташаббускор ва ташкилотчи, филоий ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратиши лозим", — деган эди мамлакатимиз Президенти. Ҳозирда мана шу орзу-истакнинг амалий ифодасини

қўрмақдамиз. Иттифоқ ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойий ёш раҳбар кадрларни тарбиялашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Утган бир йил ичида уларни давлат ва ҳужалик бошқаруви органларининг маъсул лавозимларига тавсия этиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Биргина Сурхондарё вилоятида Ёшлар иттифоқининг 60 нафарга яқин аззоси раҳбарлик лавозимларига тайинланди. Шундан 32 нафар ишлар бошқаруви органлари захира кадрлар базасига киритилган. Бойсун ва Қизирқи тумани кенгашлари раислари туман ҳокимларининг ўринбосарлари бўлди. Бун-

дан ташқари, ташкилотнинг тўлиқ бўйини ҳисобланган таъмин муассасаларидаги ёшлар етакчилардан ўттиз саккиз нафардан ортинги турли масъулиятли ишларга қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг қайта тайёрлов курсларида вилоятимиздан ўн тўққиз нафар тингловчи таътил олд. Бундай имкониятларга муносиб бўлиш ва билдирилган ишончини оқлаш керак, албатта. Зиммаимиздаги масъулиятни ҳис этган ҳолда бу ишларга ҳамиша тайёрмиш!

TASHABBUS

МУНОСИБ ТУҲФА

Ёшлар иттифоқининг Бухоро вилояти кенгаши

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Турмуш ўртоғим ҳомиладор, унинг соғлиғидан хавотирдаман. Рафиқам иш берувчига энгилроқ вазифага ўтишни сўраб мурожаат қилса бўладими?

Ҳусниддин РАҲИМОВ
Андижон шаҳри



Саволга ҳуқуқшунос АСРОР ЭРГАШЕВ жавоб беради:

— Албатта, бўлади. Меҳнат кодексининг 226-моддасига мувофиқ, ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш нормалари

камайтирилиши, улар аввалги лавозимидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда энгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилиши мумкин. Бу бўйича тегишли қарор тиббий хулоса асосида чиқарилади.

Мазкур масала ҳал этилгунга қадар, ҳомиладор аёл хизмат вазифасини бажаришга қийналгани боис, ишга чиқолмаган кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

BILASIZMI?

Амударё Туркистон ўлкасидаги энг катта ва серсув дарёдир. Узунлиги 1 минг 415 километр, ҳавзасининг майдони 309 минг км². Сурхондарёдан то Орол денгизига етгунча — 1 минг 200 километрадан зиёд масофада Амударёга бошқа ирмоқ қўшилмайди.



Ер сиртига метеорит тушиши ҳисобига ҳар йили она сайёрамиз оғирлиги ўттиз минг тоннага ортади.

YOSHLIK ILHOMI

КИТОБЛАРНИНГ СУҲБАТИ
(эртак)

Одилбек ЛАТИПОВ

Ўқув йили якунлангач, ўқувчилар дарсликларини кутубхонага топширди. Кутубхоначи уларни бирма-бир кўздан кечираркан, яхшиларини жавонга, яроқсизларини бошқа жойга тахлабди. Бироздан сўнг ўша томондан шолон овозлар эшитила бошлабди:

— Хайрият, ёмон болалардан қутулдик!..

— Энди маза қилиб дам оламиз!

Шунда улар орасидаги муқовасининг ярми йиртилган ўқиш китоби:


— Тўхтанглар, ҳали хурсанд бўлишга эрта. Бир уйлаб кўринг, нега барча китоблар жавонда-ю, бизлар бу ерда абгор аҳволда турибмиз, — дебди. Бу гапдан кейин китоблар: “Наҳотки бизларни ташлаб юборишса?” — деб хавотирга тушибди.

— Ҳаммасига хулқ-атвори ёмон болалар айбдор! — дебди Табиатшунослик китоби аччиги чиқиб. — Улар бизни эҳтиётлаб тутганида бундай кўринишга келмас эдик. Қаранг, бетларимга расм чизиб ташлаган. Энди мени ўқиб бўладими?!

— Э, сен менга боқ, дўстим. Энг ёмон боланинг қўлига тушганман, — дебди ўқиш китоби кўнгли ўқиб. — У мени сира аямаган. Шу сабаб муқовам йиртилиб, варақларим гижимланиб кетган.

— Суратларимга қараб расм чизади, десам, аксинча, устимадан қалам билан босиб, кучириб оларди, — йиғлай бошлади Расм китоби. — Қаламвойнинг зарбидан ҳаммаёғим оғирди. Саҳифаларимдаги чиройли расмларим ҳам қирқиб олинган, шунинг учун ҳам мени ташлаб юбормоқчи.

— Мен энг ақлли ўқувчига тушдим, деб хурсанд бўлгандим, — хўрлиги келиб гапирди Она тили китоби. — Кейин билсам, жуда қулоқсиз, дангаса бола экан. Доим партадошидан уй вазифаларини кучириб оларди-да, мени ақалли очиб ҳам кўрмас-



ди. Камига ёмғирда бошига “соябон” қилиб олгани-чи! Шу сабабдан саҳифамдаги ёзувлар ўчиб кетган.

— Мени ўқиб, тил ўрганиши мумкин эди, — дея суҳбатга қўшилди Инглиз тили китоби. — Лекин болакай варақларимни йиртиб, “самолёт” ясарди. Энди эса, бошқа болаларнинг тил ўрганишига қўмаклашолмайман.

Шу пайт бадиий асарлар бўлимидан бир китобча чиқиб:

— Сизлар билан ўтирсам майлими? — дебди тушкун кайфиятда. Унга ҳамма ҳайратланиб:

— Ҳали саҳифаларинг тоза ва силлиқ экан, нега бизга қўшилмоқчисан? — дея сўрабди.

— Ҳамма гап шунда-да. Мен кутубхонага ўтган йили келгандим. Лекин шу пайтгача бирон киши мени олиб ўқимади. Ахир мендаги бир-биридан қизиқарли эртакларни мароқ билан мутолаа қилса буларди-ку. Шунга ҳеч ким ҳафсала қилмаганидан ҳафаман. Сизларга қўшиб ташлаб юборишса ҳам рози эдим...

Уларнинг даврасига Одобнома, Рус тили дарсликлари ҳам қўшилибди. Тонг отгунча суҳбат кураилар.

Кутубхоначи барвақт ишга келиб, йиртилган китобларни кўздан кечира бошлабди. Уларни янги муқова билан қоплаб, гижимланган бетларини эҳтиёт билан ўнглабди. Дарсликлар орасида бадиий китобни қўриб ҳайрон бўлиб, жойига олиб қўйибди. Худди янгидек бўлиб қолган китоблар жавонга қайтганидан севиниб, кутубхоначидан миннатдор бўлибди.

XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси
27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари
ходимлари куни билан соҳа фидойиларини
самимий муборакбод этади

Аҳолини холис ва ҳаққоний ахборот билан
таъминлашдек масъулиятли, заҳматли ишда
куч-гайрат сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Xalq
Mobile

Download now
App Store

Download now
Google Play



Онлайн
конверсия



Карталар



Кредитлар



Омонатлар



ФЖБП

www.xb.uz

info@xb.uz

(0371) 200-00-55

“Trade Consult Service”

масъулияти чекланган жамияти

2018 йил 30 июль куни соат 15:00 да бошлангич баҳоси
босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик
аукцион савдосига таклиф этади!

“НБУ ВЭД РУЗ БЕКАБАДСКИЙ Ф/Л” балансида бўлган қуйидаги авто-
транспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

2013 йилда ишлаб чиқарилган 20 дона “МХ-1,8” русумли пахта териш
машинаси. Бошлангич баҳоси — 892 500 000 сўм.

Ушбу машиналар 2018
йил 30 июль куни сотилма-
са, такрорий аукцион сав-
доси 10, 20 ва 30 август
кунлари соат 15:00 да ўт-
казилади. Талабгорлардан
аризалар иш кунлари соат
9:00 дан 18:00 гача қабул
қилинади. Аризаларни
қабул қилиш аукцион сав-
доси бошлангичдан 1 (бир)
иш куни олдин соат 15:00
да тўхтатилади. Аукцион
савдосида иштирок этиш
учун талабгорлар “За-
калат пули тўғрисидаги
келишув”ни имзолагандан
автотранспорт воситаси

бошлангич баҳосининг 15
(ун беш) фоизидан кам
бўлмаган миқдорда зака-
лат пулини “Trade Consult
Service” МЧЖнинг АКБ
“Туронбанк” Яшнобод
филиали,
МФО: 01083,
СТИР: 304454706,
20208000800701688001
ҳисоб рақамига тўлаши
ва қуйидаги ҳужжатларни
топшириши керак: аукци-
он савдосида қатнашиш
учун юридик шахслардан
давлат рўйхатидан ўт-
казилгани тўғрисидаги
гувоҳнома нусхаси, агар

ваколатли шахс қатнаш-
са, ўрнатилган тартибда
расмийлаштирилган
ишончнома, унинг шах-
сини тасдиқлайдиган
ҳужжат илова қилинган
ҳолда; жисмоний шах-
слардан паспорт нусхаси,
агар ваколатли шахс қат-
нашса, ўрнатилган тар-
тибда расмийлаштирилган
ишончнома, унинг шах-
сини тасдиқлайдиган ҳуж-
жат илова қилинган ҳолда
закалат пули тўлагани
ҳақида тўлов қогози.
Қўшимча хизматлар кўр-
сатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумотларни Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек
тумани, Бўз-2 кўчаси, 69-уй манзили ёки + 998 95 169 55 50
телефон рақами орқали олиш мумкин.
Гувоҳнома № 011315.

МУАССИС

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлигида 2017 йил
2 августда № 0242 рақами
билан қайта рўйхатдан ўтган.



БОШ МУҲАРРИР

Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов,
Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер
Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов,
Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош
муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина
Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь
Узбекистана”); Елена Калинина — масъул котиб
 (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнерлар
Абдуллаев Хуршид
Ўқтамжонович
Норбоев Жамолддин
Жуманазар ўғли

Навбатчи

Тўмарис Бутунбаева

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан
материалларни кўчириб босиш
таҳририят руҳсати билан
амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).

E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарк» нарийб-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида,
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буортма Г. 636
Адади — 21676

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 02.55
УЗА яқини — 02.10

Офис ўсулида босилган.

1 2 3 4 5